

**“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети Кенгашининг  
4-СОН МАЖЛИС БАЁНИДАН  
КЎЧИРМА**

2024 йил 5 декабрь

Тошкент ш.

Қатнашдилар: Университет кенгашининг 55 аъзоси ва таклиф этилганлар.

**КУН ТАРТИБИ:**

**5. Турли масалалар.**

**5.19 ЭШИТИЛДИ:**

Кенгаш котиби Д.Юлчиев - “Геодезия ва геоинформатика” кафедраси доценти Ў.Исломовнинг яккамуаллифликда тайёрлаган “Ўзбекистон Республикасида космик ва йўлдошли технологиялар орқали космик соҳани ривожлантиришнинг илмий-амалий асослари” номли монографиясини Кенгаш йиғилишида муҳокама қилиш ва чоп этишга рухсат берилишини сўраб ёзган аризасининг муҳокамаси.

- аризага кафедра ва факультет йиғилиши баённомаларидан кўчирмалар, ички ва ташқи тақризлар илова қилинган.

Раис Б.Мирзаев - Ушбу масала юзасидан саволлар, таклифлар борми? Агар бўлмаса, тасдиқлансин деган таклиф тушмоқда. Тасдиқлаш юзасидан қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ, раҳмат тасдиқланди.

**5.19 ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Кенгаш котиби Д.Юлчиевнинг “Геодезия ва геоинформатика” кафедраси доценти Ў.Исломовнинг билдиришномаси бўйича берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Геодезия ва геоинформатика” кафедраси доценти Ў.Исломовнинг яккамуаллифликда тайёрлаган “Ўзбекистон Республикасида космик ва йўлдошли технологиялар орқали космик соҳани ривожлантиришнинг илмий-амалий асослари” номли монографиясини чоп этишга рухсат берилсин.

Аслига тўғри

Кенгаш котиби



Д.Юлчиев